

**ЭКИНЗОРЛАРНИ ПАЙҲОН ЭТИЛИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА  
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИШТИРОК  
ЭТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ  
МУТАХАССИСЛИГИ**

*Узбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-ўқув курси курсанти  
Пўлатов Азамат Анвар Ўёли*

### **Аннотация**

Ушбу битириув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирини амалга ошириши фаолиятини ташкил этиши бўйича тушунчалар, умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимолик профилактика чора-тадбирларининг бугунги кундаги ҳолати ва амалга оширишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бундан ташқари ушбу йуналишида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чоратадбирларини амалга ошириши фаолиятини ташкил этиши доирасидаги нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасида юритиладиган процессуал ҳужжатлар, ушбу фаолиятдаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек, айрим турдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиши бўйича бир катор таклифларни ўз ичига олади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириши фаолиятини ташкил этиши бўйича бошқа хорижий давлатларнинг илгор хорижий тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаши томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатлари фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни таомилаштириши ўйналишлари ёритиб ўтилган

### **Шартли қисқартмалар:**

- ИИО-ички ишлар органлари;
- ТП – Таянч пункти;
- МЖТК – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;
- ЖК – Жиноят кодекси;
- ЖИК – Жиноий ижроия кодекси;
- ҲМҚО – Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;
- ЖТС-жамоат тартибини сақлаш;
- ИИВ-ички ишлар вазирлиги;
- ИИБ-ички ишлар бошқармаси.

Мамлакатимизда хуқуқ тартиботни мустахкамлаш, фукароларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, ички ишлар органларининг, айникса профилактика инспекторларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳукуматимиз томонидан босқичма-босқич ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Мазкур ишларни амалга ошириш жараёнида давлатимиз олдида, фукароларнинг соғлом турмуш тарзини қарор топдириш, келажак авлодларнинг салбий одатларсиз фаравон ҳаётини таъминлаш, шунингдек, жамиятда мавжуд бўлган салбий иллатларнинг олдини олишдан иборатлиги хеч кимга сир эмас.

Маълумки, ички ишлар органларининг асосий вазифаси ўз моҳияти ва мазмунига кўра жамоат тартибини сақлашга, жиноятларнинг олдини олишга, жамиятда ҳуқуқни муҳофаза қилишга, қонун устуворлигини таъминлашга, фукароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир<sup>1</sup>.

Худуддаги тезкор вазият асосида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, давлат ва жамият осойишталигини сақлаш ҳамда ушбу йўналишда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хисматлар билан ҳамкорликни ташкил этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ишларни бевосита ички ишлар органлари таянч пуктларида ҳамда жамоатчилик масканларида ўз хаизмат фаолиятини олиб бораётган профилактика инспектори ташкил этиши мақсадга мувофиқ саналади.

2014 йил 14 майда қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тоғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши замирида тегишли давлат органлари ҳамда муассасаларга уларнинг ҳуқуқбузарликлар проқилактикасидаги ўрни кўрсатиб ўтилди. Ушбу қонун қабул қилинишига қадар жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласида гап борганда фақат Ички ишлар органлари тилга олинар эди. Мазкур қонун билан ҳуқуқбузарликларни олдини олиш барча орган ва ташкилотларнинг вазифаси эканлиги аниқ белгилаб берилди.

**“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тоғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширувчи субъектларга тоифасига қўйидагилар киради:**

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар;
- Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида иштирок етuvchi субъектлар;
- Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштирувчи субъектлар;

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими:**

- ички ишлар органлари;
- прокуратура органлари;
- давлат хавфсизлик хизмати органлари;
- адлия органлари;
- давлат божхона хизмати органлари;
- давлат солиқ хизмати органлари;
- меҳнат органлари;
- давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ва муассасалар хуқуқбузарликлар профилактикасида қонун хужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

Экинзорларни пайхон қилиш хуқуқбузарлигини олдини олиш доирасида асосан Ички ишлар органлари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш тавлат қўмитаси ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши мақсадга мувофиқ хисобланади. Шуни хисобга олган холатда Ички ишлар органлари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тоғрисида”ги қонунда белгилаб ўтилган хуқуқбузарликлар профилактикасидаги ваколатларини кўриб чиқамиз.

#### ***Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:***

- хуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- хуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- мамлакатдаги, айrim минтақалардаги, туманлар ва шаҳарлардаги криминоген вазиятни ўрганади, мавжуд кучлар ва воситалардан хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишда фойдаланилиши самарадорлиги таҳлилини амалга оширади;
- хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади; хуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахслар ва хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг хисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;
- ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган шахсларни профилактик хисобга олишни амалга оширади;

- фаолияти тақиқланган ташкилотларга ва диний-экстремистик йўналишдаги гурухларга алоқадор бўлган шахсларни аниқлайди, уларга нисбатан чора-тадбирлар кўради;
- паспорт-виза режимига, фуқаролар ва юридик шахслар томонидан ўқотар қуролни сақлаш қоидалари ҳамда тартибига риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;
- жиноятларни фош этишда ва терговга, судга келишдан бўйин товлаётган шахслар ҳамда бедарак йўқолган фуқаролар қидируди иштирок этади;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоратадбирларини кўради;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.
- Ички ишлар органлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари:**

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;
- табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритади, мазкур маълумотларнинг таҳлилини амалга оширади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди;
- Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**Бундан ташқари Ички ишлар органлари профилактика инспекторлари экинзорлар пайхонининг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик доираси қуйидаги субектлар билан ҳам ҳамкорликни ташкил этиши лозим хисобланади:**

- Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари
- ОАВ
- Фуқаролар

- Жамоатчилик назорати

*Профилактика инспекторларининг экинзорлар пайҳонининг олдини олии борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги:<sup>2</sup>*

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;
- тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;
- рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини қўради, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади;
- ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари билан биргалиқда «Махалла посбони» жамоат тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- яраттириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи.
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Махалла азал-азалдан бизнинг миллий қадрятларимиз бешиги бўлиб келади. Махалла ҳалқимизнинг менталитети ҳамда маънавий хаётида катта ўрин тутишини ҳисобга олиб, уни профилактика инспекторларининг экинзорларни паёхон қилиш ҳуқуқбузарлигини олидини олиш фаолиятини ташкил этишда асосий ҳамкорлик субектидир деб айтишимиз мумкун.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиқсан ҳолда ҳал қилиш борасидаги

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик, маҳаллий урфодатлар ва анъаналарни хисобга олишдан иборатdir.

***Профилактика инспекторларининг экинзорлар пайхон қилиши ҳуқуқбузарлигини олдини олиши борасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги***

Бугунги кунда жамиятда учинчи хокимият вазифасини бажараётган оммавий ахборот воситалари ўзига яраша куч ва хокимиятга эгадир. Ҳалққа қайсиидир соҳадаги янгилик ёки ўзгаришлар, қабул қилинган қонунлар, фармон ва фармоишларни етказишининг осон ва самарали усулу бу оммавий ахборот воситалари орқали уларни ҳалққа етказиш хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ти қонунига мувофиқ оммавий ахборот воситалари деганда газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, ахборот агентликлари, телевидение (кабелли, эфир-кабелли телевидение) ва радиоэшиттиришлар, хужжатли кино, электрон ахборот тизими, шунингдек, доимий номга эга бўлган, давлат тасарруфидаги, мустақил ва бошқа оммавий даврий нашрлар оммавий ахборот воситаларидир. 2019 йил 1 октябрдан эътиборан шундай тартиб ўрнатилди, унга мувофиқ болалар адабиётлари, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган маҳсулотлар чоп этишга ихтисослашган нашриётлар ноширлик фаолиятини амалга оширишга лицензия берганлик учун давлат божи тўлашдан озод қилинади, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ва аҳолини хабардор қилиш соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилди, ҳамда қуйидагилар давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, матбуот марказлари, жамоатчилик билан алоқалар бўйича хизматларининг асосий вазифалари этиб белгиланди:<sup>3</sup>

1. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти хақидаоммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориш;

2. Давлат органлари ва ташкилотларида мамлакатимизнинг ижтимоийсиёсий ва социал-иктисодий тараққиёти жараёни ҳақида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
3. Давлат органлари ва ташкилотларининг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;
4. Ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;
5. Оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштирокини таъминлаш мақсадида эксперталар гурухини шакллантириш;
6. Мунтазам равиша оммавий ахборот воситаларида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг чиқишлигини ташкил этиш;
7. Ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;
8. Давлат органлари ва ташкилотлари билан биргалиқда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;
9. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб таклифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида давлат органлари ва ташкилотлари раҳбаријатига ахборот бериб бориш;
10. Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) билан таъминлаш;
11. Давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатига кирувчи норматив-хуқуқий хужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириш;

12. Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятига алоқадор матнли, фото-аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш каби вазифаларни амалга ошириш белгилаб берилди.

**Профилактика инспекторлари томонидан экинзорларни пайхон қилиш ҳуқуқбузарлигини олдини олиш борасида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги қўйидаги қўринишларда бўлиши мумкин:**

- Экинзорларни пайхон қилиш ҳуқуқбузарлиги олдини олиш бўйича профилактик мазмундаги мақолалар чоп этиш
- Маълум бир давр мобайнидаги экинзорларни пайхон қилиш билан боўлик статистикаларни радио ва диливидения орқали кўрсатувлар шаклида лавхалар тайёрлаш.
- Экинзорларни пайхон қилиш ҳуқуқбузарлиги учун жазонинг муқаррарлигини ҳамда шу билан биргаликда унинг ҳуқуқий оқибатларини ахолига тушунтириш орқали, ахоли ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш.

Профилактика инспекторларининг экинзорларни пайхон қилиш ҳуқуқбузарлигини олдини олиш борасида фуқаролар билан ҳамкорлиги ҳамда жамоатчилик назорати.

2021 йилнинг 1 янввар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида**”ги фармони элон қилиниб, мазкур фармон доирасида мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ахолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга муносиб ҳисса қўшган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини рағбатлантириш мақсадида «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун» кўкрак нишони таъсис этилди ҳамда соҳанинг 126 нафар фаоллари ушбу юксак мукофот билан тақдирланди.

Шу билан бирга, ушбу ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг яқин ва ўрта муддатли истиқболларини белгилаб ўтилди. Қуйидагилар Концепциянинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш; фуқаролик жамияти институтларига кўмак бериш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш; давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг

фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш; давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш; фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таминлаш.

Концепция доирасида фуқароларни мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга кўпроқ жалб этиш, фуқароларда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни ривожлантириш орқали уларни давлат ишларини бошқаришга ўз хиссаларини қушишларини таминлаш ўз аксини топган десак, муболаға бўлмайди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ**

#### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқлари ва асарлари:**

1. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент:
2. Ўзбекистон, 2008. –368 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –48 б.
4. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришdir. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –48 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент:
6. “Маънавият”, 2008. –174 б.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
8. Мирзиёев Ш.М. 2017 йил Олий Мажлисга “Мурожаатномаси”.
9. Тошкент.2017 йиль.23декабрь. Халқ сўзи газетаси.
- 10.Мирзиёев Ш.М. 2018 йил Олий Мажлисга “Мурожаатномаси”. Тошкент.2018 йиль.29 декабрь. Халқ сўзи газетаси.
- 11.Мирзиёев Ш.М. Конституциянинг 26, 27 йиллигига бағишлиланган маърузалари. Халқ сўзи газетаси.
- 12.Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”
- 13.Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”.
- 14.Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларинитаъминлаш-юрг тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”.

#### **Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа нормативхуқуқий хужжатлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2022 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2022 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. – “Адолат”, 2022 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. – “Адолат”, 2022 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонуни. 2021 йил.